



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI НОМИДАН  
ХАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ  
(соддалаштирилган тартибда)**

**Пешку туман**

**2022 йил 28 март 4-2005-2201/114-сонли иш**

Пешку туманлараро иқтисодий судининг судьяси С.Кушшаев, даъвогар [REDACTED] акциядорлик жамиятининг Вобкент туман электр таъминоти корхонаси манфаатида жавобгар [REDACTED] нисбатан тақдим этилган даъвоси бўйича иқтисодий ишни Вобкент туман электр таъминоти корхонаси Пешку туманлараро иқтисодий суди биносида соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и:**

даъвогар [REDACTED] акциядорлик жамияти (бундан буён матнда “даъвогар” деб юритилади) номидан Вобкент туман электр таъминоти корхонаси (бундан буён матнда “даъвогар филиали” деб юритилади) ҳамда [REDACTED] фермер хўжалиги (бундан буён матнда “жавобгар” деб юритилади) ўртасида 2021 йил 4 январда 030875-сонли юридик шахслар учун электр энергияси таъминоти шартномаси тузилган. Мазкур шартнома шартига кўра даъвогар жавобгарга уланган тармоқ орқали электр энергиясини етказиб бериши, жавобгар эса шартномада назарда тутилган миқдорда ва муддатларда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олган.

Даъвогар мажбуриятларни бажариб, жавобгарга электр энергиясини етказиб берган. Жавобгар эса электр энергиясини қабул қилиб олган. Тўловлар қисман амалга оширилган натижада жавобгар 2022 йил 1 март ҳолатида 3 398 646,03 сўмлик қарздорликка йўл қўйган.

Шундан сўнг, даъвогар талабнома билан жавобгарга мурожаат қилиб, асосий қарзи ва пеня суммасини тўлаб беришни сўраган, акс ҳолда судга даъво аризаси билан мурожаат қилиши тўғрисида



огоҳлантирган. Талабнома почта бўлими орқали юборилган. Бироқ, билдирилган талаб жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.

Шу сабабли низо вужудга келган ва даъвогар даъвогар филиали манфаатида судга даъво аризаси киритиб, жавобгар ҳисобидан 3 398 646,03 сўм асосий қарз ундиришни сўраган.

Ишда иштирок этувчи шахсларга даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида ажрим нусхалари гибрид почта хизмати орқали электрон шаклда юборилган. Ажрим нусхаси ишда иштирок этувчи шахсларга етказилганлигини тасдиқловчи почта маълумоти ҳужжатларида мавжуд.

Жавобгарга ажрим нусхаси етказилганлигини тасдиқловчи почта хабарномалари иш ҳужжатларида мавжуд. Жавобгар даъво ариза юзасидан ёзма фикр билдирмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда “ИПК” деб юритилади) 203<sup>4</sup>-моддасининг тўртинчи қисмига асосан даъво аризасининг судга юборилиши ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар томонидан даъво аризаси юзасидан ёзма фикр тақдим этилмаганлиги даъво аризасини соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Суд иш ҳужжатлари билан танишиб чиқиб ва баҳо бериб, қуйидагиларга кўра даъво талабини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топди.

ИПК 203<sup>5</sup>-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига кўра соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилган иш бўйича ҳал қилув қарори ушбу Кодекснинг 21-бобида назарда тутилган умумий қоидаларга кўра, ушбу бобда белгиланган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан қабул қилинади. Соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилган иш бўйича ҳал қилув қарори ихтиёрий тартибда ижро этилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда “ФК” деб юритилади) 236-моддасига кўра мажбурият шартларига мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

ФКнинг 470-моддасига кўра энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга энергия таъминоти шартномасида назарда тутилган миқдорда ва тарафлар келишган энергия бериш тартибига амал қилган ҳолда энергия бериши лозим. Энергия билан таъминловчи ташкилот берган ва абонент қабул қилган энергия миқдори ўлчов асбоблари кўрсаткичлари билан аниқланади.

ФКнинг 477-моддасининг биринчи қисмига кўра энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, энергия билан таъминловчи ташкилот шу



туфайли етказилган зарарнинг, абонент эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

Даъвогарнинг асосий қарзни ундириш талаби асосли, бу ишдаги ҳисобварақ-фактура билан билан ўз тасдиғини топади.

Даъвогар судга 2022 йил 28 мартдаги 3-сонли маълумотнома билан муружаат қилиб, 2022 йил 28 март ҳолатида қарздорлиги 3 398 646,03 сўмни ташкил қилишлиги маълум қилинган.

Ушбу ҳолатда суд, даъвогарнинг асосий қарзни ундириш талабини тўлиқ қаноатлантиришни ҳамда жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 3 398 646,03 сўмни ундиришни лозим топади.

ФК 47-моддасининг учинчи қисмига кўра, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмайди. Улар ўзларини ташкил этган юридик шахс томонидан мол-мулк билан таъминланадилар ҳамда у тасдиқлаган низомлар асосида иш олиб борадилар. Ваколатхона ва филиалларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан тайинланади ҳамда унинг ишончномаси асосида иш олиб боради.

ИПК 110-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра иш судга тааллуқли бўлмаса, суд иш юритишни тугатади, деб белгиланган.

Ушбу ҳолатда суд, даъвонинг Вобкент туман электр таъминоти корхонасига оид қисми бўйича иш юритишни тугатишни лозим топади.

ИПК 116-моддасининг биринчи қисмига кўра суд чиқимлари суд хабарномалари ва суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатларидан, суд тайинлаган экспертзани ўтказиш, гувоҳни чақириш, далилларни жойида кўздан кечириш, суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлардан, шунингдек ишни кўриш билан боғлиқ бошқа харажатлардан иборатдир.

ИПК 118-моддасининг учинчи қисмига кўра, даъвогар тўлашдан белгиланган тартибда озод қилинган давлат божи, агар жавобгар бож тўлашдан озод қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан республика бюджети даромадига ундирилади.

Суд, суд харажатларини ундириш қисмини муҳокама қилиб, жавобгар ҳисобидан республика бюджети ва суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига 270 000 сўм давлат божи ва даъвогар фойдасига олдиндан тўланган 21 600 сўм почта харажатини ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 8,234, 236, 437-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118,176-179, 205<sup>3</sup>-моддаларини қўллаб, суд



**қ а р о р    қ и л а д и:**

Даъво тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар [REDACTED] ҳисобидан:

-даъвогар [REDACTED]

акциядорлик жамияти фойдасига 3 398 646,03 сўм асосий қарз ва олдиндан тўланган 21 600 сўм почта харажати;

-республика бюджети ва суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармасига 270 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Даъвонинг Вобкент туман электр таъминоти корхонасига оид қисми бўйича иш юритиш тугатилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори ўн кундан сўнг қонуний кучга кириши эътироф этилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақалари берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон ўн кун муддатда Пешку туманлараро иқтисодий суди орқали юқори судга апелляция тартибида шикоят келтириши мумкин.

**Судья**

**С.Кушшаев**

